



«MEGA STROY KOMPLEKT»
Mas'uliyati cheklangan jamiyati
Ta'sischilari umumiy yig'ilishi tomonidan

2013 yil 29 iyuldagi bayonnomasi bilan

«TASDIQLANGAN»

Umumiy yig'ilishi raisi
RADJABOV T.X.



«MEGA STROY KOMPLEKT»

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATINING

USTAVI

2013 y. Toshkent sh.

1-модда. УМУМИЙ АСОСЛАР

1.1. «MEGA STROY KOMPLEKT» mas'uliyati cheklangan Jamiyati (матнда «Жамият» деб юритилади) юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари, бошқа қонуний ҳужжатлар, Таъсис шартномаси ва ушбу Устав асосида фаолият юритади.

1.2. Жамиятнинг Иштирокчилари қуйидагилар:

1.2.1. **RADJABOV TOIRJON XUSANOVICH**, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, паспорти AA0256014 Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ИИБ томонидан 29.09.2012 йилда берилган, рўйхатга олинган манзили: Тошкент ш., Олмазор тумани, Б-1 Беруний кўчаси, 13-а-уй, 1-хонадон.

1.2.2. **YULDASHEV ABBOS DJURAYEVICH**, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, паспорти AA0266428 Тошкент шаҳар, Учтепа тумани ИИБ томонидан 27.09.2012 йилда берилган, рўйхатга олинган манзили: Тошкент ш., Учтепа тумани, Кўркам 2-тор кўчаси, 13-уй.

2-модда. ЖАМИЯТНИНГ ФИРМА НОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ, ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ МУДДАТИ.

2.1. Жамиятнинг фирма номи:

◆ давлат тилида:

тўлиқ – «MEGA STROY KOMPLEKT» mas'uliyati cheklangan Jamiyati;
қисқартирилгани – «MEGA STROY KOMPLEKT» MChJ;

◆ рус тилида:

тўлиқ – Общество с ограниченной ответственностью «MEGA STROY KOMPLEKT»;
қисқартирилгани – ООО «MEGA STROY KOMPLEKT».

2.2. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100158, Тошкент ш., Бектемир тумани, Юқори-Чирчиқ кўчаси (илгари Соловьев кўчаси), 41-уй.

2.3. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

3-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

3.1. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомини олади.

3.2. Жамият мустақил балансга, банкларда миллий валютада (сўмда) ва хорижий валюталарда ҳисоб рақамларига эга бўлади.

3.3. Жамият ўзининг номи битилган, логотипи (эмблема) туширилган думалоқ муҳрига, штампига ва бланklarига, шунингдек белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган товар белгисига ва бошқа визуал аниқлаш белгиларига эга бўлади.

3.4. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3.5. Жамият амалдаги қонунчиликка кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда шўба корхоналар, савдо уйлари, филиаллар ва ваколатхоналар ташкил қилиш ҳуқуқига эга.

3.6. Жамият акция ёки Устав фондида улушларни сотиб олиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ва чет элдаги ҳуқуқий шахслар фаолиятида, шунингдек халқаро ташкилотлар фаолиятларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

3.7. Жамият концерн, ассоциациялар, бирлашмаларга киришга ҳамда уларга Жамиятни бошқаришида қисман ҳуқуқ ва ваколат беришга ҳақлидир.

4-модда. МАКСАД ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

4.1. Жамият қуйидаги мақсадларда тузилган:

◆ бозор иқтисодиети инфраструктурасини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикасининг корхоналари, ташкилотлари, хорижий фирмалар, ва хусусий шахслар билан иш юзасидан ҳамкорликни ташкил қилишда кўмаклашиш;

◆ ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, Республиканинг мол бозорини тулдириш, хўжалик фаолияти орқали фойда олишдир;

◆ Ўзбекистон Республикаси ва чет элда хўжаликнинг молия, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларида сармояларни амалга ошириш;

♦ Амалдаги конунларга мувофиқ депозитдаги банк муассасаларидаги, хусусий ва жалб қилинган, сўм маблағларини ва валюталарни, тижорат асосида жойлаштириш, шунингдек бошқа даромад келтирувчи активларга инвестиция қилиш.

4.2. Жамият фаолияти турлари қуйидагилардан иборат:

- 1) кенг ассортиментдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- 2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, сантехник токарлик, пайвандлаш ва бошқа ишлари;
- 3) ишга тушириш-созлаш ва махсус ишлар;
- 4) ўз қурилишини ташкил қилиш;
- 5) баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш;
- 6) ландшафт дизайни, кўкаламзарлаштириш, ободонлаштириш;
- 7) шаҳарларни ва шаҳар туридаги кўрғонларни кўкалашзорлаштириш хизматлари, шаҳарларнинг ирригация иншоотлари;
- 8) юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулки объектларини қўриқлаш; хусусий шахсларни қўриқлаш; тадбирлар, конференциялар ва бошқаларни қўриқлаш ва бошқа;
- 9) ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- 10) магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;
- 11) озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қадоқлаш, упаковка қилиш, сотиш;
- 12) тижорат, савдо-харид, савдо-воситачилик, улгуржи, майда улгуржи, чакана, тижорат-воситачилик савдоси;
- 13) савдо-сотик фаолияти, савдо ишлаб чиқаришини ривожлантириш, ўзининг ёки ижаравий асосда фирма дўконларини очиш;
- 14) меҳмонхона хўжалиги ишлаб чиқариш, ташкил қилиш ва ишлатиш;
- 15) барча турдаги сайёҳлик фаолиятини ташкил қилиш;
- 16) юридик ва жисмоний шахсларга транспорт, фрахт, экспедиция, омбор хизматларини курсатиш;
- 17) кучар ва кучмас мулкни сотиб олиш, ижарага бериш ва олиш, ишлатиш;
- 18) молиявий ва мулкий лизинг;
- 19) бино, иншоотлар, омборлар, нефть омборлари, автоёнилги қуйиш станциялари, автомобил транспортига техник хизмат кўрсатиш пунктларини қуриш ва ишлатиш;
- 20) ўз умумий овқатланиш пунктлари тармоғини ташкил қилиш;
- 21) инвестиция фаолияти, шу жумладан турли акциядорлар жамиятларида, компанияларда ва қўшма корхоналарда иштирок этиш;
- 22) тегишли маълумотлар банкни шакллантириш ҳисобига ахборот-тижорат хизматларини кўрсатиш;
- 23) МДХ, ва узок хориж мамлакатларида ваколатхоналар очиш, Ўзбекистон Республикасидаги ва унинг ташқарисидаги манфаадор шериклар билан кўп томонли асосда ҳамда тўғридан-тўғри алоқалар асосида турли шаклда ҳамкорлик ўрнатиш;
- 24) ташқи иқтисодий фаолият;
- 25) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда шартномавий асосларда воситачилик, маслаҳат-консултация, агент-вакиллик, консигнация, дилерлик, дистрибьюторлик ва ташқи иқтисодий характердаги бошқа хизматлар, жумладан маҳсулот рекламаси ва сотиш-таркатиш, инжиниринг ва маркетинг билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш;
- 26) турли хил пулли ўқув курсларини ташкил қилиш;
- 27) тренажер залларини, шейпинг машғулотларини ва бошқа хил маданий-соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш;
- 28) халқ истеъмол моллари ва ишлаб чиқариш-техник товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш;
- 29) автомобилларнинг тухташ жойини, ёнилги қуйиш тармоқларини ташкил қилиш;
- 30) матбаа-нашриёт фаолияти;
- 31) кишлоқ хужалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, кайта ишлаш, сақлаш ва сотиш;
- 32) иккиламчи ресурсларни йиғиш, кайта ишлаш, фойдаланиш ва сотиш;
- 33) ураб жойлаштириш материаллари ва тараларни тайёрлаш;
- 34) Интернет-кафе, видеосалонларни очиш ва ишлатиш, аудио, видеокассеталарни ва Сдни ижарага бериш;

35) мураккаб маиший, ҳисоблаш ва саноат техникасини сотиб олиш, ётказиб бериш, уларга техник ва сервисли хизмат кўрсатиш;

36) аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш (гўзаллик салонлари, кимёвий тозалаш, сауна, кир ювиш, ва бошқалар);

37) жисмоний ва юридик шахсларга пулли хизматларини кўрсатиш;

38) дорихоналар, оптикаларни очиш ва ишлатиш, дори препаратларини ва тиббий буюмларни сотиб олиш ва сотиш,

39) тиббий хизматлар кўрсатиш.

4.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган барча фаолият ва хизмат турларини бажариши мумкин.

4.4. Ўзбекистон Республикасининг қонуний ҳужжатларига биноан лицензия қилинадиган фаолият турларини амалга ошириш учун, Жамият махсус рухсатнома (лицензия) олишга мажбур.

5-модда. ЖАМИЯТНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан узига карашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

5.2. Жамият ўз Иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

5.3. Жамиятнинг банкротлиги Иштирокчи сифатидаги шахснинг айби туфайли вужудга келган бўлса, Жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

5.4. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

6-модда. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият иштирокчилари куйидагиларга ҳақлидирлар:

◆ қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

◆ қонун ҳужжатларида ва Жамият Таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

◆ фойдани тақсимлашда иштирок этиш;

◆ Жамиятнинг Устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида ва Жамият Таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мазкур Жамиятнинг бир ёки бир неча Иштирокчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;

◆ Жамият бошқа Иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда Жамиятдан чиқиш;

◆ Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш;

◆ Умумий йиғилиш ва Жамиятнинг бошқа органларига таклифлар киритадилар;

◆ Умумий йиғилиш томонидан белгиланган тартибда Жамият фаолияти мобайнида олинган даромаддан тегишли бўлган улушни (фойдасини) - дивидендларни оладилар. Тегишли бўлган дивидендларни пул шаклида, Жамият ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва моллар шаклида, ёки амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа усулларда олишлари мумкин.

Жами улушлари Жамият Устав фондининг камида ўн фоизини ташкил этадиган Жамият Иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан Жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган Иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Жамият Иштирокчилари қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг Таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

6.2. Жамият иштирокчилари:

◆ қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг Таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари;

◆ Жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Жамият Иштирокчиларининг қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг Таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

7-модда. МУЛК ВА ФОНДЛАР

7.1. Жамиятнинг мулки куйидагилар ҳисобидан шакллантирилади:

- ◆ Иштирокчиларнинг улушлари;
- ◆ юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ўтказмалари;
- ◆ бегараз ва хайрия бадаллари;
- ◆ Жамият томонидан хўжалик фаолияти давомида қўлга киритган мулклар;
- ◆ қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалардан олинган мулклар.

7.2. Жамиятда Устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган заҳира жамғармаси тузилади. Жамиятнинг заҳира фонди белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар қилиш йўли билан шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмалар миқдори белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

7.3. Жамиятнинг заҳира фонди қонунда назарда тутилган ҳолларда унинг зарарларини қоплаш ва Жамият томонидан Жамиятнинг Устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олиш учун мулжаллангандир.

7.4. Жамият бошқа фондлар ҳам тузиш ҳуқуқига эга. Жамият тасарруфида бўлган ҳар бир фондининг рўйхати ва мақсади, Жамиятнинг соф даромадидан ушбу фондларга ажратиладиган маблағларнинг ҳажмлари ва улардан фойдаланиш тартиби Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

8-модда. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ ВА МУЛКИ

8.1. Жамиятнинг фаолиятини амалга ошириш учун Иштирокчилар улушлари ҳисобига 4 000 000 (Тўрт миллион) сўм миқдорда, Устав фонди ташкил этилади ва у юз улушга бўлинади.

8.2. Иштирокчиларнинг Устав фондидаги улушлари куйидагича:

№	Иштирокчилари	Улуш миқдори %-да	Улушнинг номинал киймати сўмда
1	RADJABOV TOIRJON XUSANOVICH	50%	2 000 000 сўм
2	YULDASHEV ABBOS DJURAYEVICH	50%	2 000 000 сўм
	Жами	100%	4 000 000 сўм

8.3. Иштирокчининг Жамият Устав фондига қўшадиган ҳиссаси куйидагилар бўлиши мумкин: бино, иншоотлар, ускуналар хомашё, материаллар, халқ истеъмол моллари, бошқа хил моддий бойликлар, қимматли қоғозлар, ердан, сувдан, бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек бошқа хил мулкӣ ва номулкӣ (шу жумладан ақлий мулкка ҳам) ҳуқуқлар ва бошқа номоддий активлар, пул маблағлари.

8.4. Жамиятнинг ҳар бир Иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида Жамиятнинг Устав фондига ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак.

8.5. Жамият Иштирокчиларининг Устав фондига қўшадиган ҳиссалари сифатида киритиладиган моддий бойликлар жаҳон бозоридаги нархларни ҳисобига олган ҳолда шартлашилган нархларда баҳоланади ва Иштирокчиларнинг Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланиб, тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади. Баҳслар юзага келган ҳолларда бундай баҳолаш Иштирокчилар розилиги билан жалб қилинадиган ҳолис экспертлар томонидан бажарилади. Жамият Иштирокчилари томонидан уларнинг Устав фондидаги ҳиссалари ҳисобига киритилган ақлий мулк объектларини баҳолаш тегишли орган томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда берилган ҳулоса асосида амалга оширилади.

8.6. Жамиятнинг Иштирокчилари ва Жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан Жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг Жамиятнинг барча Иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади.

8.7. Устав фондига ҳисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкнинг муддат ўтгунга қадар ушбу мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган тақдирда, Жамиятнинг мол-мулкни берган Иштирокчиси Жамиятнинг талабига биноан унга шундай мол-мулкдан шунга ўхшаш шароитларда қолган муддат мобайнида фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақиқа тенг пул товони тўлаши шарт. Пул товони жамият томонидан уни бериш талабномаси тақдим этилганидан эътиборан бир ой ичида бир йўла тўланиши керак. Бундай қарор Жамиятнинг устав фондига ҳисса сифатида мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини берган ва бу ҳуқуқ муддатидан илгари тугатилган Жамият Иштирокчисининг овозини ҳисобга олмаган ҳолда Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

8.8. Агар Иштирокчи мулкни Жамиятга фақат фойдаланишга берган бўлса, бу ҳолда ҳисса миқдори ва тегишли равишда Иштирокчининг улуши Жамият Иштирокчилари томонидан белгиланган бутун фойдаланиш муддати учун ҳисоблаб чиқилган шу мулкдан фойдаланиш ижара ҳақидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Жамиятга фойдаланишга берилган мулкнинг тасодифан ҳалок бўлиш ёки шикастланиш хавфи Жамият зиммасига юкланади.

8.9. Иштирокчининг пул кўринишида баҳоланган ҳиссаси Иштирокчининг Устав фондидаги улушини ташкил қилади.

8.10. Устав фондида ўз ҳиссасини тўлиқ киритган Жамият Иштирокчисига қимматли қоғозлар тоифасига кирмайдиган гувоҳнома берилади.

8.11. Белгиланган муддатда ўз ҳиссасини киритиб бўлмаган Иштирокчи Иштирокчиларнинг Умумий йиғилиши қарори билан Жамият Иштирокчилари таркибидан чиқарилади. Бунда жамият иштирокчига у киритган улуш қисмига пропорционал равишда унинг улуши қисмининг ҳақиқий қийматини тўлаши ёки иштирокчининг розилиги билан худди шу қийматдаги мулкни асл кўринишда бериши шарт. Улуш қисмининг ҳақиқий қиймати ҳиссани киритиш муддати тугаган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун тузилган жамият бухгалтерлик ҳисоботларининг маълумотлари асосида аниқланади.

8.12. Таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, ҳисса сифатида киритилган мулк қийматининг ўзгариши, ҳамда Жамият олий органларининг қарорига биноан Иштирокчилар киритган қўшимча бадаллар уларнинг Устав фондидаги улушлари миқдорига таъсир кўрсатмайди.

9-модда. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

9.1. Жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл кўйилади.

9.2. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг Жамият Иштирокчилари умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади.

9.3. Жамият Устав фондининг кўпайтирилиши Жамиятнинг мол-мулки ҳисобига ва (ёки) Жамият Иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига ва Жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Учинчи шахсларни Жамият Иштирокчилари қаторига киритиш Умумий йиғилиш томонидан бир овоз билан қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади.

9.4. Жамият Устав фондини Жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор, бундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин.

9.5. Жамият Устав фонди Жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириладиган сумма Жамият соф активларининг қиймати билан Устав фонди ҳамда захира фонди суммаси ўртасидаги фарқдан ортиқ бўлмаслиги керак.

9.6. Жамиятнинг Устав фонди мол-мулк ҳисобига кўпайтирилганда Жамият барча Иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгармаган ҳолда улар улушларининг номинал қиймати мутаносиб равишда кўпаяди.

9.7. Жамият, Жамият Иштирокчиларининг Устав фондидаги улушларининг номинал қийматини камайтириш ва (ёки) Жамиятга тегишли улушларни сўндириш йўли билан ўз устав фондини камайтиришга ҳақлидир.

9.8. Агар Устав фондини ўзгартириш натижасида унинг миқдори таъсис ҳужжатларига киритиладиган тегишли ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган санада белгиланган Устав фондининг энг кам миқдоридан, Жамият ўз Устав фондини ўзгартириши шарт бўлган ҳолларда эса – Жамият давлат рўйхатидан ўтган санада белгиланган Устав фондининг энг кам миқдоридан камроқ бўлиб қолса, Жамият ўз Устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

9.9. Жамият Устав фондини Жамият Иштирокчилари улушларининг номинал қийматини камайтириш йўли билан камайтирилганда Жамият барча Иштирокчиларнинг улушлари миқдори сақланиб қолиш лозим.

9.10. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида Устав фонди тўлиқ тўлаб бўлинмаса, Жамият ўз Устав фондини амалда тўлаб бўлинган миқдоргача камайтириши шарт ва бу камайишни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши лозим ёки Жамиятни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

9.11. Агар иккинчи ва ҳар бир кейинги молиявий йил охирида Жамиятнинг соф активлари қиймати унинг Устав фондидан кам бўлиб қолса, Жамият ўз Устав фондини унинг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдоргача камайтириши тўғрисида эълон қилиши ва бундай камайтиришни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши шарт.

9.12. Агар иккинчи ва ҳар бир кейинги молиявий йил охирида Жамиятнинг соф активлари қиймати Устав фондининг Жамият давлат руйхатидан ўтказилган санасида белгиланган энг кам миқдоридан камроқ бўлиб қолса, у бекор қилиниши лозим.

9.13. Жамият соф активларининг қиймати қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади.

9.14. Агар Жамият Устав фондини қамайтириш тўғрисида қарор қабул қилса, у бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардар қилиши лозим, шунингдек уларга Устав фондининг янги миқдорини маълум қилиш ва оммавий ахборот воситаларида қабул қилинган қарор тўғрисида эълон бериши лозим.

10-модда. ИШТИРОКЧИ УЛУШИНING ЎТИШ ТАРТИБИ

10.1. Жамият Иштирокчиси Жамиятнинг Устав фондидаги ўз улушини унинг бир қисмини Жамиятнинг бир ёки бир неча Иштирокчисига фақат Жамиятнинг ёки бошқа Иштирокчиларининг розилиги билангина сотишга ёки бошқа йўл билан беришга ҳақлидир.

10.2. Жамият Иштирокчисининг улуши тулик тулангунга қадар булган даврда у фақат туланган қисми буйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

10.3. Жамият Иштирокчилари ўз улушларига пропорционал миқдорларда Жамият Иштирокчисининг улушини (улушининг бир қисмини) имтиёзли равишда сотиб олиш ҳуқуқига эгалар. Агар Жамиятнинг бошқа Иштирокчилари улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда узларининг имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган булсалар, Жамият узининг Иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга булади.

10.4. Уз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида булган Жамият Иштирокчиси улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни курсатган ҳолда бу ҳақда Жамиятнинг қолган Иштирокчиларини ва Жамиятнинг узини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Уз улушини сотиш тугрисидаги хабарнома Жамият ижрои органи орқали юборилиши керак.

10.5. Жамият Иштирокчилари ва (ёки) Жамият сотиш учун таклиф қилинаётган бутун улушни (улушнинг бутун қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан, шундай хабар берилган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаган тақдирда улуш (улушнинг бир қисми) Жамиятга ва унинг Иштирокчиларига хабар қилинган баҳоларда ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.

10.6. Улуш (улушнинг бир қисми) сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи бузилган ҳолда сотилган тақдирда, Жамиятнинг исталган Иштирокчиси ва (ёки) Жамият, бундай бузилишни билган ёхуд уни билиши лозим булган пайтдан эътиборан уч ой ичида сотувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини узларига утказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар. Мазкур имтиёзли ҳуқуқдан бошқанинг фойдасига воз кечишга йўл қуйилмайди.

10.7. Жамият Иштирокчиси уз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахслар фойдасига воз кечиш учун Жамият қолган Иштирокчиларининг ва Жамиятнинг розилигини олиши керак. Бундай розилик, Жамият Иштирокчиларига Жамият ижрои органи орқали ёзма мурожаат берилганидан кейин 30 кун муддати ичида уларнинг ёзма равишда берилган розилиги булса ёки ёзма равишда Иштирокчиларнинг қаршилиги булмаса, олинган ҳисобланади.

10.8. Жамият Устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш, оддий ёзма шаклда амалга оширилади.

10.9. Жамиятнинг Устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олувчи белгиланган битимлар имзолангандан сунг Жамият Иштирокчисининг ҳуқуқларига эга булади ва мажбуриятларини амалга оширади.

10.10. Жамиятнинг Устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олувчига Жамият Иштирокчисининг мазкур улушдан (улушнинг бир қисмидан) воз кечишига қадар юзага келган барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари утади.

10.11. Жамият Устав фондидаги улушлар жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ва Жамият Иштирокчилари бўлмиш юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

10.12. Жамиятнинг Иштирокчиси бўлган юридик шахс тугатилган тақдирда, унинг кредиторлари билан ҳисоб-китоб тугалланганидан сунг қолган унга қарашли улуш, агар қонун ҳужжатларида ёки тугатилаётган юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, тугатилаётган юридик шахснинг Иштирокчилари уртасида тақсимланади.

10.13. Жамиятнинг вафот этган Иштирокчисининг меросхўри томонидан мерос қабул қилинганга қадар Жамиятнинг вафот этган Иштирокчиси ҳуқуқлари ва мажбуриятлари васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай шахс бўлмаган тақдирда эса нотариус тайинлаган бошқарувчи томонидан амалга оширилади.

10.14. Жамият Иштирокчисининг улушидан (улушининг бир қисмидан) учинчи шахслар фойдасига воз кечишига қолган Иштирокчиларнинг розилиги олинмага бўлса ҳамда, Жамиятнинг бошқа Иштирокчилари уни олишни рад этса, Жамият Иштирокчисининг талабига биноан Жамият

унга карашли улушни (улушнинг бир қисмини) олишга мажбур. Бунда Жамият узининг Иштирокчисига бу улушнинг (улуш бир қисмининг) Жамиятнинг Иштирокчиси шундай талаб билан мурожаат этган кундан олдинги охирги ҳисобот даври учун Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланадиган ҳақиқий қийматини тулаши ёки Жамият Иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.

10.15. Жамиятга карашли улушлар Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишида овоз бериш натижаларини аниқлаш, шунингдек Жамият тугатилган тақдирда унинг фойдаси ва мол-мулкни тақсимланаётганда ҳисобга олинмайди.

10.16. Жамиятга карашли улуш у Жамиятга утган кундан эътиборан бир йил ичида Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг қарорига биноан Жамиятнинг барча Иштирокчилари уртасида уларнинг Жамият Устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланиши ёхуд Жамиятнинг барча ёки айрим Иштирокчиларига ёки учинчи шахсларга сотилиши ҳамда тулик туланиши керак. Улушнинг тақсимланмаган ёки сотилмаган қисми Жамиятнинг Устав фондини тегишлича камайтирган ҳолда сундирилиши керак. Улушни Жамият Иштирокчиларининг улушлари миқдорлари узгарадиган тарзда Жамият Иштирокчиларига сотиш, улушни учинчи шахсларга сотиш, шунингдек улушни сотиш билан боғлиқ узгартишларни Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритиш Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг Жамиятнинг барча Иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган қарор асосида амалга оширилади.

11-модда. ИШТИРОКЧИНИНГ ЖАМИЯТДАН ЧИҚИШИ ТАРТИБИ ВА ОҚИБАТЛАРИ.

11.1. Жамият Иштирокчиси исталган вақтда, Жамиятнинг ёки бошқа аъзоларнинг розилигидан қатъиназар, Жамиятдан чиқишга ҳуқуқлидир. Бу ҳолда унинг улуши Жамиятдан чиқиш тўғрисидаги ариза берилган вақтдан бошлаб Жамиятга ўтади. Бунда Жамият Жамиятдан чиқиш тўғрисида ариза берган Иштирокчига улушнинг ҳақиқий қийматини тўлаши лозим, бу қиймат Жамиятдан чиқиш тўғрисида ариза берилган йил учун тузилган бухгалтерлик ҳисоботи маълумотлари асосида аниқланади, ёки Иштирокчининг розилиги билан Жамият унга шундай қийматда асл кўринишдаги мулк бериши шарт, Жамият Устав фондидаги Иштирокчининг ҳиссаси тўлиқ тўланмаган бўлса, ҳиссанинг тўланган қисмига пропорционал миқдордаги унинг улуши қисмининг ҳақиқий қийматини тўлаши лозим.

11.2. Жамият ўз таркибидан чиқиш тўғрисида ариза топширилган молиявий йил тугагандан кейин олти ой ичида (ёки Иштирокчилар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ бир йил ичида) Жамият таркибидан чиқиш тўғрисида ариза топширган Иштирокчига унинг улушнинг ҳақиқий қийматини тўлаши ёки худди шу қийматда натура кўринишида мулк бериши шарт.

11.3. Жамият Иштирокчиси улушнинг ҳақиқий қиймати Жамият соф активларининг қиймати билан Жамият Устав фондининг қиймати орасидаги фарқ ҳисобига тўланади. Агар бу фарқ Жамиятдан чиқиш тўғрисида ариза берган Иштирокчига улушнинг ҳақиқий қийматини тўлаш учун етарли бўлмаса, Жамият Устав фондини етишмаётган суммага камайтириши шарт.

12-модда. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШЛАР ГАРОВИ

12.1. Жамиятнинг Иштирокчиси Жамиятнинг Устав фондидаги ўзига тегишли улушни (улушнинг бир қисмини) Жамиятнинг бошқа Иштирокчисига ёки Жамиятнинг розилиги билан учинчи шахсга жамият барча Иштирокчиларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг қарорига биноан гаровга қўйишга ҳақлидир. Ўз улушини (улушнинг бир қисмини) гаровга қўйиш ниятида бўлган Жамият Иштирокчисининг овозлари овоз бериш натижаларини аниқлашда ҳисобга олинмайди.

13-модда. ДАРОМАД (ФОЙДА) НИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

13.1. Жамиятнинг даромади (фойдаси), бюджет билан ҳисоб-китоблар қилиниб, бошқа хил мажбурий тўловлар тўланиб бўлгандан ва Жамият фондларини яратиш ва тўлдириш учун маблағлар ажратилгандан кейин, Жамият Иштирокчилари ўртасида тақсимланади Жамият ҳар чоракда, ярим йилда бир маротаба ёки йилда бир маротаба ўз фойдасини Жамият Иштирокчилари ўртасида уларнинг Жамият Устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамият фойдасининг Иштирокчилар ўртасида тақсимланадиган қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор Жамият Иштирокчиларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Шунингдек, Иштирокчиларнинг келишувига биноан фойда Жамиятни ривожлантиришга йўналитирилиши мумкин.

13.2. Жамият куйидаги ҳолларда ўз фойдасини Жамият Иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- ◆ Жамиятнинг бутун Устав фонди тўлиқ тўлангунга қадар;
- ◆ Жамият Иштирокчиси улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қиймати тўлангунга қадар;
- ◆ агар бундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса;
- ◆ агар шундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав фондидан ва захира фондидан кам бўлса ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса.

13.3. Жамият ўз Иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган куйидаги ҳолларда Жамият Иштирокчиларига фойдани тўлашга ҳақли эмас:

- ◆ агар тўлаш пайтида Жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда тўлов натижасида пайдо бўлса;
- ◆ агар тўлаш пайтида Жамиятнинг соф активлари қиймати унинг устав фондидан ва захира фондидан кам бўлса ёки тўлаш натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугаганидан кейин Жамият ўз Иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган фойдани тўлаши шарт.

13.4. Жамият фаолияти жараёнида қурилган зарарлар биринчи навбатда захира фонди ҳисобидан қопланади. Агар захира фондининг миқдори зарарни қоплашга етмаса Умумий йиғилиш қарорига кура Жамият ихтиёридаги бошқа фондлар ҳисобига қопланади. Агар шунда ҳам зарарларни қоплашнинг иложи бўлмаса Иштирокчиларнинг қўшимча улушлари ҳисобига қопланади. Қўшимча улушлар миқдори Умумий йиғилиш томонидан белгиланади. Зарарлар ишлаб чиқаришдан келган маблағ ҳисобидан ҳам қопланиши мумкин.

14-модда. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

14.1. Жамиятнинг бошқарув органлари куйидагилар:

14.1.1. Жамиятнинг олий бошқарув органи– Иштирокчиларнинг Умумий йиғилиши.

14.1.2. Жамиятнинг яккабошлик асосидаги ижроия органи– Бош Директор (Директор).

14.2. Бошқарув органларининг ваколатлари, Иштирокчиларнинг Умумий йиғилишини чақириш тартиби, ижроия органини сайлаш тартиби мазкур Уставда белгилаб қўйилган.

15-модда. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

15.1. Жамиятнинг олий органи бўлиб Иштирокчиларнинг Умумий йиғилиши ҳисобланади.

15.2. Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига куйидагилар киради:

- 1) Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида Иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 2) Жамият Устав фондининг миқдорини ўзгартириш;
- 3) Таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- 4) Жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 5) Жамият Тафтиш комиссиясини (Тафтишчисини) сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 6) Йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
- 7) Жамиятнинг соф фойдасини Иштирокчилар ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 8) Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- 9) Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- 10) Бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 11) Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 12) Тугатувчисини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- 13) Жамиятнинг бошқарув органи мансабдор шахсларини мулкий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

14) Жамият ва унинг филиаллари, ваколатхоналарининг мансабдор шахсларига ҳақ тўлаш шартларини белгилаш;

15) янги Иштирокчини (Иштирокчиларни) қабул қилиш;

16) Иштирокчилар томонидан қўшимча бадаллар киритиш ҳажми, шакли ва тартибини белгилаш;

17) Жамиятдан чиқиб кетаётган Иштирокчининг улушини Жамият томонидан олиш масаласини ҳал этиш;

18) Иштирокчининг Жамиятдан чиқариб юбориш;

19) Йирик битимларни амалга ошириш масаласини ҳал қилиш.

Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг мутлок ваколатлари жумласига киритилган масалалар, Жамиятнинг ижро этувчи органи ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

15.3. 15.2.-банднинг 2-кичик бандларида кўрсатилган масалаларни ҳал қилишда қарорлар учдан икки, 15.2.-банднинг 11, 15-кичик бандларида кўрсатилган масалаларни ҳал қилишда қарорлар бир овоздан, бошқа масалалар юзасидан эса қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

15.4. Жамият Иштирокчиларининг навбатдаги Умумий йиғилиши бир йилда бир марта, молия йили тугаганидан кейин кечи билан олти ой ичида ўтказилиши керак. Жамият Иштирокчиларининг навбатдаги Умумий йиғилиши ижро этувчи орган томонидан кун тартиби кўрсатилган шаклда телекс, телеграмма, факс ёки буюртмали хат билан чакирилади. Йиғилиш ўтказиладиган кун йиғилишдан 30 кун олдин эълон қилиниши шарт.

15.5. Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишини чакирувчи орган ёки шахслар уни ўтказишдан камида ўттиз кун олдин бу ҳақда Жамиятнинг ҳар бир Иштирокчисини Жамият Иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича телекс, телеграмма, факс ёки буюртма хат билан хабардор қилиши шарт. Хабарномада Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой, шунингдек таклиф қилинаётган кун тартибидаги масалалар кўрсатилиши керак.

15.6. Жамиятнинг исталган Иштирокчиси Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг кун тартибига қўшимча масалаларни киритиш тўғрисида уни ўтказишдан камида ўн беш кун олдин таклифлар киритишга ҳақлидир. Қўшимча масалалар, Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг ваколатлари жумласига кирмайдиган масалаларни истисно этганда, Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг кун тартибига киритилади.

15.7. Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишини чакирувчи орган ёки шахслар Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган қўшимча масалалар таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмаслар.

15.8. Агар Жамият Иштирокчиларининг таклифига биноан Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг дастлабки кун тартибига ўзгартишлар киритиладиган бўлса, Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишини чакирувчи орган ёки шахслар Умумий йиғилиш ўтказиладиган кундан камида ўн кун олдин 15.4.-бандда кўрсатилган усулда кун тартибига киритилган ўзгартишлар хақида Жамиятнинг барча Иштирокчиларини хабардор қилишлари шарт.

15.9. Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишига тайёргарлик куриш чоғида Жамият Иштирокчиларига тақдим этилиши лозим булган ахборот ва материаллар жумласига қуйидагилар қиради:

◆ Жамиятнинг йиллик ҳисоботи;

◆ Жамиятнинг йиллик ҳисоботлари ва йиллик бухгалтерия балансларини текшириш натижалари бўйича Жамият тафтишчисининг хулосаси;

◆ молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги аудиторлик хулосаси;

◆ Жамиятнинг ижро этувчи органига ва Жамиятнинг Тафтиш комиссиялигига (Тафтишчилигига) номзод (номзодлар) тўғрисидаги маълумотлар.

15.10. Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишини чакирувчи орган ёки шахслар уларга ахборот ва материалларни Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда юбориши шарт, кун тартиби ўзгартирилган тақдирда, тегишли ахборот ва материаллар ана шундай ўзгартиш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда юборилади. Кўрсатилган ахборот ва материаллар Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилиши утказилишидан олдин ўттиз кун мобайнида Жамият ижро этувчи органининг биносида танишиш учун Жамиятнинг барча Иштирокчиларига тақдим этилиши керак.

Жамият Иштирокчиларнинг Умумий йиғилишини чақиришнинг баён этилган тартиби бузилган ҳолларда, фақат бу йиғилишда Жамият Иштирокчиларининг барчаси қатнашган тақдирдагина Умумий йиғилиши қонуний деб эътироф этилади.

15.11. Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишини ўтказиш тартиби Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

15.12. Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали Иштирок этишга ҳақлидирлар. Жамият Иштирокчиларининг вакиллари ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатни (ишончномани) кўрсатишлари лозим. Жамият Иштирокчиси – жисмоний шахс томонидан берилган бундай ишончнома қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ва нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Жамият Иштирокчиси – юридик шахс томонидан берилган ишончнома юридик шахснинг фирма бланкида расмийлаштирилган, юридик шахс раҳбари томонидан имзоланиб, юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

15.13. Жамиятнинг ҳар бир Иштирокчиси Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилишида Жамиятнинг Устав фондидаги ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

15.14. Умумий йиғилиш ўз Иштирокчилари орасидан Умумий йиғилиш раисини сайлайди.

15.15. Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг баённомаси юритилишини ташкил этади.

15.16. Иштирокчилар Умумий йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- ◆ Иштирокчилар Умумий йиғилиши ўтказилган вақт ва жой;
- ◆ йиғилишда қатнашаётган Иштирок этувчилар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- ◆ йиғилишнинг раиси ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби.

Иштирокчилар Умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш яқунлари, йиғилишда қабул қилинган қарорлар акс эттирилган бўлиши шарт.

Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг баённомаси йиғилиш ўтказилганидан сўнг уч кундан кечиктирилмай Умумий йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

15.17. Жамият ижро органи Жамият Иштирокчисидан тартибига киритиладиган қўшимча ва ўзгартишлар маътини олгач 5 кун ичида Жамиятнинг қолган Иштирокчиларига тегишли маълумотни ва бошқа маълумотларни юбориши шарт.

16-модда. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING СИРТДАН ОВОЗ БЕРИШ ЙЎЛИ (СЎРОВ ЙЎЛИ БИЛАН) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ҚАРОРИ

16.1. Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг қарори йиғилишни ўтказмай (кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун жамият иштирокчилари биргаликда ҳозир бўлмай) сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилиниши мумкин. Бундай овоз бериш почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки узатиб бериладиган ва қабул қилинадиган хабарларнинг тўғри бўлишини ва уларнинг ҳужжатлар билан тасдиқланишини таъминловчи бошқа алоқа воситасида ҳужжатларни айирбошлаш йўли билан ўтказилиши мумкин.

17-модда. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

17.1. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан:

◆ Жамият Иштирокчилари умумий овозлар сонининг жами камида ўндан бирига эга бўлган Жамият Иштирокчиларининг;

◆ Жамият Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчисининг) талабига биноаф чақирилади.

17.2. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши зарур ҳолларда Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан унинг ташаббусига биноан чақирилиши мумкин.

17.3. Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб олинган санадан эътиборан уч кун ичида мазкур талабни кўриб чиқиши ва Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

17.4. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан фақат қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

◆ агар Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабни тақдим этишнинг ушбу Уставада белгиланган тартибига риоя этилган бўлмаса;

◆ агар Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалалардан бирортаси ҳам унинг ваколатлари жумласига кирмаса.

17.5. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалаларнинг бири ёки бир нечаси Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг ваколатлари жумласига кирмаса ёки қонун ҳужжатларининг талабларига мос бўлмаса, мазкур масалалар кун тартибига киритилмайди.

17.6. Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалар таърифига ўзгартишлар киритишга, шунингдек Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказишнинг таклиф қилинган шаклини ўзгартиришга ҳақли эмас.

17.7. Жамият Иштирокчилари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалалар билан бир қаторда, Жамиятнинг ижро этувчи органи ўз ташаббуси билан унга, кун тартиби расмий равишда ўқиб эшиттириладиган кундан кечиктирмай, кўшимча масалалар киритишга ҳақлидир.

17.8. Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бундай Умумий йиғилиш уни ўтказиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан қирк беш кундан кечиктирмай ўтказилиши шарт.

Агар белгиланган муддат ичида Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, Жамият Иштирокчиларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши уни ўтказишни талаб қилаётган органлар ёки шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолда Жамиятнинг ижро этувчи органи мазкур органлар ёки шахсларга Жамият Иштирокчиларининг манзиллари кўрсатилган рўйхатни тақдим этиши шарт. Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш харажатлари Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг қарорига биноан Жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

18-модда. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

18.1. Бош директор (Директор) Умумий йиғилиш қарорларига мос ҳолда Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

18.2. Бош директор (Директор) Умумий йиғилиш томонидан сайланади. Меҳнат шартномада (контрактда) Бош директорни (Директорни) сайланиш муддати кўрсатилган. Унинг ваколатлари Умумий йиғилишнинг қарорига кўра муддатидан олдин тухтатилиши мумкин, уни навбатдаги муддатга бир неча бор тайинлашга рухсат этилади.

18.3. Бош директор (Директор):

◆ Жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, барча корхона ва ташкилотларда Жамият манфаатларини химоя қилиш;

◆ Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилиш доирасидаги масалалардан ташқари, Жамият фаолиятига тезкор бошқарувни олиб бориш;

◆ Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилиши қарорларини бажарилишини ташкиллаштиради;

◆ штат ходимларини юқори малакали хизматчиларни жалб қилиш йўли билан тулдиради;

◆ Жамиятнинг шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди;

◆ Жамиятда бухгалтерия ҳисоблари ва ҳисоботларининг ҳаққонийлиги ва тўғрилигини, Жамият Иштирокчиларига, давлат идораларига ва кредиторларга даврий молия ҳисоботлари ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

◆ Жамиятнинг молия-ҳужалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамият Иштирокчилари, аудитор ва Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчининг) талабига биноан тақдим этади;

◆ Жамиятнинг тижорат сирларини ташкил қилувчи маълумотлар ошкор бўлмаслигини таъминлайди

◆ молияларни самарали жойлаштириш мақсадидаги таклифларни киритади;

◆ Жамиятнинг кундалик иш режаларни тузиш ва уларни бажарилишини таъминлайди;

◆ меҳнат ва технология интизомини таъминлайди;

◆ Умумий йиғилиш белгиланган смета доирасида Жамият мулки ва пул маблағларини тасарруф қилади;

◆ молиявий йил тугаши билан уч ой ичида Умумий йиғилишга тасдиқлаш учун, йиллик баланс, фойда ва зарарлар ҳисоби, йиллик ҳисобот ва молиявий режанинг бажарилиши ҳисоботини тақдим этади;

- ◆ турли хил битимларни ва бошқа юридик ҳатти-ҳаракатларни амалга оширади, Жамият номидан иш олиб бориш ҳуқуқини берувчи ишончномалар беради;
- ◆ банкларда Жамиятнинг турли ҳисоб рақамларини очади;
- ◆ Жамият кун тартибини белгилайди, ходимлар ишларини ташкил қилади;
- ◆ Жамиятга ходимларни белгиланган тартибда ёллади, меҳнат шартномаларини бекор қилади ва ходимларни ишдан бўшатади, Иштирокчилар билан келишилган ҳолда, ходимларга иш хақи тўлашнинг миқдори ва тартибини белгилайди, моддий ва бошқа йўсинда рағбатлантиради, уларга жарималар белгилайди;
- ◆ Жамият бўлинмаларининг бошлиқлари ва ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди ва унга қўшимчалар киритади;
- ◆ ўзининг ўринбосарлари, бўлинмалар раҳбарларини ходимларини мустақил ҳолда тайинлайди ва вазифаларидан озод қилади;
- ◆ Жамият ижро тузилмасининг бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди.

19-модда. ЙИРИК БИТИМЛАР

19.1. Йирик битим деб, бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган Жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни Жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки узаро боғлиқ бир неча битим ҳисобланади.

19.2. Жамиятнинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилмайди. Йирик битим натижасида Жамиятнинг тасарруфидан чиқариладиган мол-мулкнинг қиймати унинг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида, Жамият оладиган мол-мулкнинг қиймати эса - таклиф қилинган баҳо асосида аниқланади.

Йирик битимни тузиш тўғрисидаги қарор Жамият Иштирокчиларининг Умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

20-модда. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ

20.1. Жамиятнинг хўжалик ва молиявий фаолияти устидан назоратни Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) олиб боради. Агар Жамият Иштирокчиларининг сони ўн беш кишига етса, Тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлаш шарт.

20.2. Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) Умумий йиғилиш томонидан 3 йил муддатга сайланади. Умумий йиғилиш тафтишчини муддатдан илгари қайта сайлаши мумкин. Тафтиш комиссияси таркибига (Тафтишчи этиб) Ижро органининг аъзолари сайланиши мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) Умумий йиғилишга, ўтказилган текширишлар натижаси юзасидан ҳисобот беради. Йиллик текшириш натижалари ҳисоботи, Умумий йиғилиш кундан аввал, 10 кундан кечикмай Умумий йиғилишга топширилади. Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) Жамиятнинг йиллик балансини тасдиқлайди.

20.3. Активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган Жамиятда қонунчиликда белгиланган тартибда, ички аудит хизмати ташкил этилади.

Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

20.4. Молиявий ҳисоботнинг тўғрилигини, бухгалтерлик ҳисобларининг ўрнатилган талабларга мослигини текшириш учун Иштирокчилар Умумий йиғилишининг қарорига биноан, қонунчиликда белгиланган тартибда, аудиторлик ташкилоти жалб қилинади.

21-модда. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

21.1. Жамият иш натижалари ҳисобини олиб боради. Тезкор бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини юритади. Жамиятда бу ҳисоб ва ҳисоботлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва қоидаларига мувофиқ олиб борилади.

- 21.2. Жамият фаолиятининг молия йили 1-январдан 31-декабргача белгиланади.
21.3. Жамият баланси Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тузилади.
21.4. Ҳисоб-китоб, бухгалтерия ва бошқа турдаги ҳисоботларни олиб борилиши, ҳолати ва ўз вақтида тақдим этилаши учун жавобгарлик бош бухгалтерга ёки унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахсга юклатилади.

22-модда. ЖАМИЯТ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

22.1. Жамият куйидаги ҳужжатларни сақлаши шарт:

- ◆ Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;
- ◆ Жамият муассислари йиғилишининг Жамиятни ташкил этиш ва Жамиятнинг Устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек Жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомаси;
- ◆ Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- ◆ Жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- ◆ Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;
- ◆ Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишлари баённомалари, Жамиятнинг ижро этувчи органи ва тафтишчисининг қарорлари;
- ◆ Жамият тафтишчисининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосалари.
- ◆ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, ушбу Устав, Жамиятнинг ички ҳужжатлари, Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилишининг ва Жамият ижро этувчининг қарорида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

22.2. Ушбу Уставнинг 22.1 моддада кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни Жамият ижро органи жойлашган жойда ёки Жамият Иштирокчиларига маълум ва қулай жойда сақлайди.

22.3. Ушбу Уставнинг 22.1 моддада кўрсатилган ҳужжатлар Жамият Иштирокчисига унинг танишиб чиқиши учун исталган вақтда тақдим этилиши лозим. Жамият Иштирокчисининг талабига биноан Жамият унга кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этиши шарт.

22.4. Аудиторнинг ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан Жамият имкон борича қисқа муддат ичида уларга Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари билан, шу жумладан ўзгартиришлар билан ҳам танишиш имкониятини бериши шарт.

23-модда. ЖАМИЯТНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ

23.1. Жамиятнинг тижорат сирини тушунчаси Жамиятни бошқариш, режалаштириш, унинг молиявий ва бошқа фаолиятига тааллуқли бўлган ва давлат сирини ҳисобланмаган ахборотларни билдиради.

23.2. Жамиятнинг ҳар бир ходими Жамиятнинг молиявий ва бошқа фаолиятига тааллуқли бўлган махфий ахборотларни сир сақлаши ва унинг ошкор бўлишига йўл қўймаслиги шарт.

24-модда. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

24.1. Жамиятни қайта ташкил қилиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49-56 моддаларига, ЎЗР “масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” Қонунининг 49-55 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

24.2. Жамиятни тугатиш, Умумий йиғилишнинг ёки суднинг қарорларига амалга оширилади. Жамият Умумий йиғилиш қарорига кўра тугатилаётган бўлса, бу ҳақда тезлик билан рўйхатга олган органни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

24.3. Умумий йиғилиш ёки Жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган бошқа орган Тугатувчисини тайинлайди ва тугатиш тартиби ва муддатини белгилайди.

24.4. Тугатувчиси Жамият тугатилиши ҳақида матбуотда хабар беради ва кредиторларнинг талабларини билдириш тартиби ва муддатини белгилайди, бу муддат тугатиш ҳақида эълон қилинган кундан эътиборан икки ойдан кам булмаслиги керак.

24.5. Тугатувчиси тузилган пайдан бошлаб унга Жамият ишларини бошқариш ва тугатилаётган Жамият номидан судда қатнашиш ваколати берилади.

24.6. Тугатувчиси Жамиятнинг жорий ишлари тугатилиши учун зарур бўлган янги битимларни амалга оширишга ҳақлидир.

24.7. Тугатувчиси кредиторларни Жамият тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади, кредиторларни аниқлайди ва дебиторлик қарзлари буйича қарзларини тўланиши чораларини куради.

24.8. Тугатувчиси кредиторлар томонидан даъво қилиш муддати ўтгандан сўнг, оралик тугатиш балансини тузиб чиқади. Оралик тугатиш балансида Жамият мулкининг таркиби тўғрисидаги кредиторларнинг даъволари рўйхати ва уларнинг кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатиб утилади. Оралик тугатиш баланси Умумий йиғилиш ташкилида Жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тасдиқланади.

24.9. Агарда Жамият пул маблағлари кредиторларнинг даъволарини кондириш учун етарли бўлмаса, Тугатувчиси суд қарорини ижро этиш учун Жамиятга тегишли бўлган мулкларни оммавий савдога чиқариб сотишни амалга оширади.

24.10. Тугатувчиси кредиторларга қарзлар тўлаиб бўлгач, тугатиш балансини тузади. Тугатиш баланси Умумий йиғилиш Жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тасдиқланади.

24.11. Жамият бюджет билан, ходимлар билан ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўрсатилган бошқа мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоб қилиб бўлгандан сўнг қолган мулк иштирокчилар ихтиёрида қолади ва Устав фондидаги улушларига мутаносиб шаклда тақсимланади.

24.12. Жамият давлат рўйхати реестрига тегишли ёзув ёзилган пайдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

Жамият тугатилиши билан ушбу Устав ҳам уз кучини йўқотади.

25-модда. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

25.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган пайдан бошлаб қонуний кучга қиради.

25.2. Ушбу Уставда кўрсатиб ўтилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ ҳал этилади.

ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ИМЗОЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

RADJABOV TOIRJON XUSANOVICH,

рўйхатга олинган манзили: Тошкент ш., Олмазор тумани,
Б-1 Беруний кўчаси, 13-а-уй, 1-хонадон.

Ражабов Тоиржон Хусанович

YULDASHEV ABBOS DJURAYEVICH,

рўйхатга олинган манзили: Тошкент ш., Учтепа тумани,
Кўркам 2-тор кўчаси, 13-уй.

Юлдашев Аббос Джураевич

Пронумеровано, пропінуровано
18 листів

[Handwritten signature]

[Handwritten scribble]

[Large handwritten scribble]